

2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

Ijtimoiy-siyosiy,
ma'naviy-ma'rifiy,
adabiy-badiiy gazeta

2026-YIL, APREL,
№ 7 (565-566)

БУХОРО ҲОШИЛАРИ

ТУРКИЙ ДУНЁ ОЛИМЛАРИ БУХОРОДА БИРЛАШДИ



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

Бухорода туркий давлатлар илмий ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган "Турк дунёси географлари III конгресси" бўлиб ўтди. Мазкур халқаро анжуман илк бор Ўзбекистондаги олийгоҳ - Бухоро давлат Педагогика институтида ташкил этилди.

Конгрессда туркий давлатлар ва бошқа мамлакатлардан келган олимлар, экспертлар ва университет раҳбарлари иштирок этиб, улар томонидан барқарор ривожланиш, глобал иқлим ўзгариши, экологик муаммолар ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Анжуман доирасида таълим ва илм-фан соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган қатор келишувларга эришилди. Жумладан, Ал-Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университети билан академик алмашинув, қўшма тадқиқотлар ва инновацион дастурларни ўз ичига олган "йўл харитаси" имзоланди.

Бу келишувлар орқали талабалар ва профессор-ўқитувчилар тажриба алмашинуви янги босқичга кўтарилади. Қўшма илмий лойиҳалар кўпаяди, таълим сифати янада ошади. Энг муҳим жиҳати, талабалар халқаро муҳитни ҳис қилади.

Шунингдек, Хўжа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети вакиллари иштирок ҳам этди. Айрим раҳбарларга институтнинг "Фахрий профессори" унвони топширилди.

Тадбир доирасида ўтказилган илмий сессиялар, семинарлар ва интерактив машғулотлар ёш олимлар учун халқаро тажриба алмашиш имконини яратди. Маданий дастурлар эса анжуманга ўзига хос миллий руҳ бағишлади.

Мутахассислар фикрича, мазкур конгресс туркий давлатлар ўртасида ягона илмий-таълим маконини шакллантириш йўлида муҳим қадам бўлиб, минтақавий ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди.

Баҳодир Маъмуров,
Бухоро давлат Педагогика институти ректори.

ДХХ КУБОГИ

учун футбол
мусобақаларига
старт берилди



Видеолавҳани QR
орқали кўринг.

Юртимизда спортни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлида олиб борилаётган изчил ислохотлар доирасида Давлат хавфсизлик хизмати кубоги учун футбол мусобақаларига расман старт берилди.

Мазкур мусобақа ёшларимизнинг жисмоний тайёргарлиги, иродаси, жамоавий ҳамкорлик руҳи ҳамда Ватанга садоқатини намоён этадиган муҳим майдон сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Футбол азалдан бирдамлик, дўстлик ва юксак интилишлар рамзи бўлиб келган. У инсонларни ягона мақсад атрофида жипслаштирадиган, характер ва иродани мустаҳкамлайдиган энг

оммабоп спорт турларидан бирidir.

Мусобақа доирасида турли жамоалар ўзаро куч синашиб, майдонда ғалаба учун, соғлом рақобат муҳити ва спорт руҳини юксалтириш учун беллашадилар.

Барча иштирокчи жамоаларга муваффақият, куч-ғайрат ва омад тилаймиз — ғалаба эса энг муносиб ва муносиб тайёргарлик кўрган жамоага насиб этсин!



СПОРТ

ҳаёт тарзига айланмоқда

Муҳтарам президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги устувор вазифалар яна бир бор аниқ белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, спорт — бу фақат мусобақа ёки натижа эмас, балки, соғлом турмуш тарзи, интизом, ватанпарварлик ва мамлакат нуфузини юксалтирувчи муҳим ижтимоий кучдир.


Мазкур ёндашув бугун жойларда ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, Бухоро вилоятида ҳам спортни оммалаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Эндилликда барча ташкилотларда ҳафтанинг бир куни "Спорт куни" сифатида белгилашиб, бу кунда турли спорт машғулотлари ўтказилиши йўлга қўйилади.

Бухоро вилояти Спорт бошқармасида ҳам мазкур ташаббус доирасида бир қатор амалий ишлар белгиланган. Жумладан, ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Айни кунларда умумий 14 та (1 та адаптив, яъни жисмоний имконияти чекланганлар учун спорт ва 1 та халқ ўйинлари) спорт турларидан "Беш ташаббус олимпиадаси" ҳамда 21 та спорт тури бўйича "Янги Ўзбекистон — Олимпия чўққилари" Президент Олимпиадасининг туман босқичи мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Айни пайтда, ушбу нуфузли беллашувнинг республика босқичига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Шу билан бирга, Бухоро шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш мақсадида "Жисмоний тайёргарлик спорт синовлари" босқичма-босқич ўтказилапти. Яқин кунларда идора ва ташкилот ходимлари ўртасида 7 та спорт тури бўйича мусобақаларга старт берилди.


Ушбу кенг қамровли ишлар Бухорода спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш ва ёш авлодни юксак натижалар сари йўналтиришга хизмат қилади.

Ўткир Нажмиддинов,
Бухоро вилояти Спорт бошқармаси бошлиғи.

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, ёшларни замонавий билим ва кўникмалар билан таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Айниқса, олий таълим муассасалари бу жараёнда, нафақат, билим бериш, балки, ёшларнинг дунёқарашини шакллантириш, уларни мустақил фикрлайдиган, рақобатбардош мутахассислар сифатида тарбиялашда муҳим ўрин тутди.



Видеолавҳани QR орқали кўринг.



Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазири ўринбосари Ўктам Саломов Бухоро давлат университетига робототехника ва инновациялар соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.



“STUDENT LIFE TEST”

ёшлар келажаги кафолати

Шу маънода, Бухоро давлат университетига амалга оширилаётган “Student Life Test” каби лойиҳалар ёшларнинг таълимга бўлган қизиқишини ошириш, уларни олий таълим муҳити билан яқиндан таништиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу каби очиқ мулоқотлар орқали абитуриентлар университет ҳаёти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўладилар, шунингдек, ўз келажак касбини онгли равишда танлаш имкониятига эришадилар.

Биз учун энг муҳим вазифа — ҳар бир ёшга ўз иқтидорини намойён этиш учун кенг имкониятлар яратиб беришдир. Университетимизда яратилган замонавий инфратузилма, илғор таълим технологиялари ва халқаро ҳамкорлик алоқалари, айнан, шу мақсадга хизмат қилади. Бугунги кунда дунёнинг нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма дастурлар амалга оширилаётгани ёшларимиз учун янги уфқларни очмоқда.

Шунингдек, таълим жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида офис-регистратор тизими жорий этилгани, ўқув дастурларининг замонавий талаблар асосида такомиллаштирилаётгани талабалар учун қулай ва шаффоф муҳит яратаяётганидан дарак.

Бугун мактабни тамомлаётган ҳар бир ёш эртанги кун эгаси ҳисобланади. Улар қандай билим олса, қандай муҳитда тарбия топса, жамиятимиз келажаги ҳам шунга боғлиқ. Шу боис, биз ёшларни фақатгина талабалikka қабул қилиш эмас, уларни ҳаётга тайёр, юрт тақдирига дахлдор шахслар сифатида шакллантиришни ҳам ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Ишонманки, интилишдан тўхтамайдиган, билимга чанқоқ ёшларимиз келгусида Янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшадилар.

Обиджон Ҳамидов,
Бухоро давлат Университети
ректори.



РОБОТ ЯСАЙДИГАН АВЛОД:

БухДУ тажрибаси намунага айланмоқда

У университет ректори, профессор Обиджон Ҳамидов ҳамроҳлигида БухДУ ҳузурида фаолият юритаётган замонавий “Robots&Me” робототехника ўқув марказини кўздан кечирди. Мазкур марказ қисқа вақт ичида ҳудудий лойиҳадан республика миқёсидаги илғор инновацион платформалардан бирига айланиб бормоқда.

Марказда ташкил этилган замонавий лабораториялар, амалий тажриба зоналари ва талабалар томонидан ишлаб чиқилган робот қурилмалари мутасаддиларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, бу ерда таҳсил олаётган ёшларнинг халқаро робототехника мусобақаларида юқори натижаларга эришяётгани, уларнинг глобал технологик майдонга чиқиш салоҳияти шаклланаётганидан далолат берди.

Вазир ўринбосари талабаларнинг муҳандислик тафаккури, инновацион фикрлаши ва амалий кўникмаларини юқори баҳолаб, БухДУда шаклланган муҳитни намунавий тажриба сифатида қайд этди. Шу билан бирга, у стартап ташаббусларни кенгайтириш, илмий ишланмаларни бозорга олиб чиқиш ва тижоратлаштириш механизмларини кучайтириш бўйича аниқ таклиф ва тавсияларини билдирди.

Мутахассислар фикрича, университетда робототехника йўналишида олиб борилаётган изчил ишлар ёшларнинг илмий-техник салоҳиятини оширишга, уларни глобал рақобат шароитида фаол иштирок эта оладиган замонавий мутахассислар сифатида тайёрлашга хизмат қилмоқда.

БОКУ МИНБАРИДАН ЯНГРАГАН БУХДУ ОВОЗИ

Озарбайжоннинг нуфузли олий таълим муассасаларидан бири — Боку Славян университетига Биринчи Туркология қурултойининг 100 йиллиги муносабати билан “Халқаро туркологик тадқиқотлар” мавзусида йирик илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Туркий халқлар ўртасидаги илмий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, тил, тарих ва адабиёт соҳасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилишга қаратилган мазкур анжуманда Бухоро давлат университети олимлари ҳам фаол иштирок этди.

Анжуман доирасида университет вакиллари бир қатор муҳим илмий йўналишларда маърузалар тақдим этди. Жумладан, Филология факультети декани, профессор Гули Тоирова рақамли муҳитда саводхонликни таъминлаш воситалари, хусусан, веб-платформалар ва ботлар имкониятларини таҳлил қилди.

Профессор Башорат Жамилова эса туркий халқлар фольклори ва болалар шеърлятида алла оҳанглари-нинг уйғунлигини илмий жиҳатдан ёритиб берди.

Мутахассислар таъкидлаганидек, бухоролик олимларнинг чиқишлари анъанавий маънавий мерос ва замонавий технологиялар уйғунлиги нуқтаи назардан алоҳида эътиборга сазовор бўлди. Бу эса туркология соҳасида янги ёндашувлар шаклланаётганидан далолат беради.

Конференция доирасида ўтказилган муҳокама-ларда туркий халқлар ўртасида илмий мулоқотни

кенгайтириш, қўшма тадқиқотлар географиясини кенгайтириш ҳамда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Таҳлилчилар фикрича, бундай халқаро анжуманлар университетларнинг илмий салоҳиятини намойён этади. Уларнинг жаҳон академик майдонидаги нуфузини оширишда ҳам муҳим омили ҳисобланади. Шу маънода, Бухоро давлат Университети олимларининг мазкур нуфузли форумдаги иштироки миллий илм-фаннинг халқаро интеграцияси йўлидаги амалий қадам сифатида баҳоланмоқда.



Бугунги глобаллашув шароитида олий таълим тизимини ривожлантириш, уни халқаро майдонга олиб чиқиш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳар бир давлат олдида турган устувор вазифалардан бирига айланди. Айниқса, илмий-таълимий ҳамкорликни кенгайтириш, тажриба алмашиш, илғор технологияларни жорий этиш ҳамда академик мобилликни ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

БУХОРО ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Халқаро таълим алоқалари кенгайди, муҳим шартномалар имзоланди

Шу нуқтаи-назардан, Ўзбекистон–Малайзия олий таълим муассасалари форуми доирасида эришилган келишувлар икки давлат ўртасидаги таълимий алоқаларни янги bosqichga олиб чиқиши билан аҳамиятли бўлди. Форумда ҳар икки мамлакатнинг етакчи олий таълим муассасалари ректорлари, проректорлари ва расмий делегациялари фаол иштирок этди.

Форум доирасида Малайзиянинг нуфузли олий таълим муассасалари — Sultan Idris Education University, Tun Hussein Onn University of Malaysia va Universiti Teknikal Malaysia Melaka билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Мазкур келишувлар илмий тадқиқотлар бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида академик алмашинувни йўлга қўйиш, ўқув дастурларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ҳамда инновацион ёндашувлар-



ни кенг жорий этишни назарда тутди.

Бундай ҳамкорликлар миллий таълим тизимини халқаро стандартларга яқинлаштириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва уларни глобал меҳнат бозори талабларига мос мутахассислар сифатида тайёрлашга хизмат қилади.

Форумда Бизнес-форум ҳамда Ўзбекистон–Малайзия фан, таълим ва маданият кўргазмалари ҳам ташкил этилди. Ушбу майдонлар олий таълим муассасаларига ўз салоҳияти, илмий ютуқлари ва имкониятларини халқаро аудиторияга намойиш этиш имконини берди.

Кўргазмаларда ҳар икки мамлакатнинг бой тарихи, миллий

қадриятлари ва маданияти акс этган экспозициялар тақдим этилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, форум таълим, илм-фан ва инновациялар соҳасида янги ташаббусларни илгари суриш учун самарали платформа вазифасини ўтамоқда. Бу эса ўз навбатида, барқарор тараққиётда олий таълим муассасаларининг ролини янада кучайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро ҳамкорлик — бу фақат тажриба алмашишигина эмас, умумий тараққиёт сари қўйилган муҳим қадам ҳамдир. Бу йўлдаги ҳар бир ташаббус келажак авлод учун мустақам пойдевор яратади.

Садоқат Сиддиқова,
Бухоро давлат Техника университети ректори.

СТРЕССГА ҚАРШИ ТРЕНИНГ:

Очиқ осмон остидаги ушбу мулоқот руҳий барқарорлик сари қадам бўлди.

Бухоро давлат Техника университетида талабалар учун ноодатий форматда очиқ осмон остида психологик тренинг ташкил этилди. Табиат қўйнида ўтган ушбу учрашув анъанавий аудитория машғулотларидан фарқли равишда эркин мулоқот, самимий фикр алмашинуви ва руҳий енгиллик муҳитини яратди.

талабалар учун янги формат

Тренинг университет психологлари Мафтуна Тошева ва Эъзоза Элбекова ташаббуси билан Мухандислик факультети тьютори Дилноза Ризаева ҳамда Ёшлар иттифоқи координаторлари ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда муҳандислик факультети талабалари иштирок этишди. “Руҳий соғломлик калити” мавзусида ўтган машғулотлар давомида талабалар билан ижобий фикрлашни шакллантириш, стресс ва хавотирни бошқариш, ўз-ўзига



ишончни мустақамлашга қаратилган интерактив усуллар қўлланилди. Айниқса, жамоавий машқлар ва очиқ мулоқотлар иштирокчиларни фаол фикр билдиришга ундади.

Тренинг иштирокчиси, 1-босқич талабаси Акбар Азаматжонов ўз таассуротлари билан ўртоқлашди:

- Одатда, психологик машғулотлар расмий тарзда ўтади, деб уйлардим. Бу галги

тренинг эса умуман бошқача бўлди. Эркин, самимий ва жуда фойдали. Айниқса, стрессни қандай бошқариш бўйича берилган машқлар мен учун жуда керакли бўлди,- дейди у.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай форматдаги тренинглар талабаларнинг руҳий саломатлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ички мотивациясини ошириш ва соғлом психологик муҳитни шакллантиришда самарали восита ҳисобланади.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар халқаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали янги босқичга кўтарилмоқда.



БУХОРОДА ТИББИЁТ ДИПЛОМАТИЯСИ

Инсон саломатлиги йўлидаги стратегик ҳамкорлик муҳим босқичда

Бугунги кунда дунё тажрибасини ўрганиш, илғор тиббий технологияларни амалиётга жорий этиш ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган устувор йўналишлардан бирига айланган.

Шу маънода, Туркия Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Кемал Мемишоглу бошчилигидаги нуфузли делегациянинг Бухоро вилоятига ташрифи икки давлат ўртасидаги тиббий ҳамкорликнинг амалий ва стратегик босқичга чиққанини намоён этди. Делегацияга Асилбек Худоёров ҳамроҳлик қилди.

Ташриф доирасида меҳмонлар Республика шохилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро вилояти филиали фаолияти билан яқиндан танишдилар. Муассасада яратилган



замонавий инфратузилма, юқори технологияли тиббий ускуналар ҳамда мураккаб

жарроҳлик амалиётларини бажариш имкониятлари делегация вакилларида катта

таассурот уйғотди. Айниқса, жигар ва буйрак трансплантацияси каби юқори даражадаги тиббий амалиётларнинг маҳаллий шароитда йўлга қўйилгани соҳадаги салоҳиятнинг ортиб бораётганидан далолатдир.

Делегация ташрифи фақат тиббий муассасалар билан чекланиб қолмади. Меҳмонлар Баҳроуддин Нақшбанд зиёратгоҳида бўлиб, халқимизнинг бой маънавий меросига ҳурмат билан ёндашдилар. Шунингдек, Пойи Калон мажмуаси ҳам билан танишув Бухоронинг тиббий, маданий ва цивилизация аҳамиятини намоён этди.

Ташрифнинг муҳим нуқталаридан бири Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат Тиббиёт институти фаолияти билан танишув бўлди. Хусусан, институт таркибида ташкил этилган Туркия тиббиёт факультети икки давлат ўртасидаги илмий-таълимий ҳамкорликнинг самарали намунаси сифатида юқори баҳоланди. Бу каби қўшма таълим дастурлари келажакда халқаро стандартларга жавоб берадиган рақобатбардош тиббиёт кадрларини тайёрлашда муҳим ўрин тутди.

Музокаралар якунида томонлар тиббиёт соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, тажриба алмашувини тизимли йўлга қўйиш ҳамда замонавий тиббий технологияларни кенг жорий этиш бўйича аниқ келишувларга эришдилар. Жумладан, Бухоро вилояти тиббиёт муассасалари шифокорларининг Туркия етакчи клиникаларида малака ошириши ва амалиёт ўташи бўйича ҳамкорлик дастурларини кучайтириш режалаштирилди.

Бу ташриф икки давлат ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш билан бирга, инсон саломатлиги манфаатларини устувор қиладиган глобал тиббий ҳамкорликнинг янги босқичини белгилаб берди. Чунки тиббиёт чегара билмайдиган, инсоният тақдирини бирлаштирадиган энг муҳим соҳалардан биридир.

Шухрат Тешаев,
Бухоро давлат Тиббиёт институти ректори.

Тиббиёт йўналишида таҳсил олаётган талабалар ҳамда битирувчилар учун халқаро касбий имкониятларни кенгайтиришга қаратилган янги ташаббус — Röhrig (Roehrig) институти томонидан ташкил этилган “Германияга йўл” онлайн дастури ўз фаолиятини бошлади.

Мазкур дастур Германияда таълим олиш, амалиёт ўташ ёки меҳнат фаолиятини йўлга қўйишни режалаштираётган ёш мутахассисларни тизимли тайёрлашни мақсад қилган бўлиб, у 18–24 ойлик комплекс ўқув жараёни сифатида ташкил этилган. Дастур давомида иштирокчилар немис тилини А1 даражадан Б2 даражагача босқичма-босқич ўрганиш имкониятига эга бўладилар.



“ГЕРМАНИЯГА ЙЎЛ” ОНЛАЙН ДАСТУРИ БОШЛАНДИ

Ташаббус фақат тил ўргатиш билан чекланиб қолмай, иштирокчиларни халқаро меҳнат бозорига тайёрлашни ҳам кўзда тутди. Хусусан, дастур доирасида Германиянинг маданий муҳитига мослашув, соғлиқни сақлаш тизими тузилмаси ва ишлаш тамойиллари бўйича батафсил йўналтиришлар берилди. Шунингдек, профессионал интеграция, сертификатлаш ва лицензиялаш жараёнлари ҳамда ишга жойлашиш бўйича амалий


тавсиялар ҳам ўқув дастурига киритилган.

Маълум қилинишича, дарс машғулоти инглиз тилида олиб борилади. Бу эса иштирокчиларнинг халқаро коммуникация кўникмаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Дастур 2026 йил 2 февралдан расман старт олган бўлиб, ҳозирги кунда унда 15 нафар талаба иштирок этмоқда. Қувонарлиси, лойиҳа тўлиқ бепул асосда ташкил

этилгани ёшлар учун янада кенг имкониятлар яратади.

Айни пайтда дастур қамровини кенгайтириш, кўпроқ иштирокчиларни жалб этиш ҳамда уни минтақавий даражада йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бундай ташаббуслар Ўзбекистон тиббиёт кадрларининг халқаро меҳнат бозорига рақобатбардошлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.





Ёшлар етакчилари йигит-қизларнинг дард-у ташвиши, мақсад ва интилишларини бирлаштирувчи, муаммолар ечимида мутасадди ташкилотлар билан боғловчи муҳим тизимга айланди. Улар маҳалла ва таълим муассасаларида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, касб-хунарга йўналтириш ҳамда спорт ва маданиятга жалб этишда асосий масъул саналади.

МУАММОЛАР ЕЧИМИДАГИ МУҲИМ ТИЗИМ

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва китобхонлик маданиятини юксалтириш борасида ҳам самарали ишлар йўлга қўйилган.

Вилоятимизда ушбу тизим натижадорлигини ошириш мақсадида моддий-техник база ҳам янгиланмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда 347 нафар ёшлар етакчисига алоҳида хизмат хоналари ажратилган бўлса, яна 169

нафари маҳалла вакиллари билан биргаликда фаолият олиб бормоқда. Етакчилар орасида малакали ва олий маълумотли кадрлар фаолият юритмоқда.

Бугун соҳада меҳнат қилаётганларнинг 391 нафари олий маълумотли, 123 нафари эса тугалланмаган олий таълимга эга бўлган шижоатли мутахассислардир. Шунингдек, 284 нафар етакчи, айнан, ўзи яшаб турган маҳаллада

хизмат қилаётгани ёшлар билан ишлашда яқинликни таъминламоқда, 224 нафари эса бошқа ҳудудлардан келиб фаолият кўрсатмоқда.

Тизимдаги ёш тоифалари таҳлили ҳам ўзига хос манзара касб этади. Соҳада 20 ёшгача бўлган 3 нафар, 21-25 ёшгача бўлган 92 нафар ҳамда 26-30 ёшгача бўлган 219 нафар етакчининг фаолият олиб бораётгани ўзаро тажриба ва куч-қувват



алмашинувида хизмат қилмоқда. Шунингдек, 31-35 ёшгача бўлган 157 нафар ҳамда 35 ёшдан юқори бўлган 45 нафар ходим ўзларининг ҳаётий тажрибаси билан ёшларга йўл кўрсатмоқда. Улар орасидан фаол меҳнатига муносиб етакчиларни эътироф этилиши эса янги зафарларга йўл очади. 2025 йилдан ҳозирги кунга қадар 35 нафар маҳалла етакчиси намунали фаолияти учун "ТОП-100" лойиҳасига киритилди ва тақдирланди. Шунингдек, 21 нафар етакчи иш тажрибасини ошириш мақсадида "Yetakchi camp" лойиҳасига, 1 нафари "Амалиёт офиси"га ҳамда 4

нафари хорижий давлатлардаги ўқув курсларига жалб этилгани соҳада профессионал ўсиш доимий эътиборда эканлигидан далолат беради.

Ёшлар етакчилари жамиятнинг эртанги кунини белгиловчи реал кучга айланди. Уларнинг ташаббускорлиги ва масъулияти юртимиз равнақида хизмат қиладиган баркамол авлодни тарбиялашда мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Шуҳрат Шомуродов,
Бухоро вилояти
Маҳалладаги ёшлар
етакчилари фаолиятини
мувофиқлаштириш бўйича
бош мутахассис.



Хўжарабодда ёшлар билан ишлаш: ҚИЙИНЧИЛИКДАН ИМКОНИЯТГАЧА

Юртимизда ҳар бир маҳаллада ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган тизимли ёшлар етакчилиги йўлга қўйилган. Вобкент тумани, Хўжарабод маҳалласи ёшлар етакчиси Алпоминш Эшпўлатов ана шу тизим доирасида ёшлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Унинг таъкидлашича, ҳақиқий етакчи ёшларга намуна бўла олиши, уларни ортидан эргаштира олиши ва фидойилик билан хизмат қилиши лозим. Фаолият давомида маҳаллада ёшларнинг бандлигини таъминлаш, спортга жалб этиш ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

- Ёшларнинг муаммоларини ҳал этишда фақат моддий ёрдам тарафдан қўллаб-қувватлашгина эмас, уларда давлатга ишонч ва дахлдорлик ҳиссини шакллантириш ҳам муҳим, - дейди ёшлар етакчиси.

Ҳудуддаги ёшлар ҳаётида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Олий таълим, мактаб ва профессионал таълим

битирувчиларининг бандлигини таъминлашга кўмак берилган. Шунингдек, спорт тадбирлари орқали соғлом турмуш тарзи тарғиб этилган. Ижтимоий тармоқларда "Хўжаработликлар" номли блог ташкил этилиб, маҳалла ёшлари ягона платформада бирлаштирилган.

"Ёшлар дафтари" орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар билан тизимли иш олиб борилмоқда. Бу билан уларнинг жамиятга бўлган ишончи ҳам мустаҳкамланмоқда.

Маҳаллада 14-30 ёшдаги 1156 нафар ёш истиқомат қилади. 35 нафари миграцияда бўлиб, 5 нафари Жанубий Кореяда таҳсил олмоқда. Шунингдек, 46 нафар ёш олий таълим муассасаларида

таҳсил оляпти.

Ёшлар ўртасидаги асосий масалалар қаторида ишсизлик, таълим сифати ва руҳий барқарорлик каби муаммолар мавжуд. Уларни ҳал этишда эса тизимли ёндашув, ҳар бир ёш билан индивидуал ишлаш ва имкониятларни кенгайтириш асосий йўналиш сифатида белгиланган.

2026 йилда 3 нафар ишсиз ёшлар аниқланди. Улар тегишли ташкилотларга бириктирилган. Шундан бир нафарига гўшт майдалагич олиб берилган ва ўз-ўзини банд қилиб, сомсахона очган. Яна бир нафарига тикув машинаси ва аверло машинаси олиб



берилгач, тикувчилик фаолиятини бошлади. Учинчи ёш эса Вобкент туманидаги супермаркетга ишга жойлаштирилди. Шу тариқа маҳалла ёшларининг бандлиги тўлиқ таъминланди. Бундан

ташқари, бир нафар хунарманднинг фаолияти туман ҳокими кўмаги билан кенгайтирилди.

Маҳаллада 20 га яқин тадбиркор бор. 2026 йилда бир нафар тадбиркорга 287 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу тадбиркор 2 нафар ёшнинг бандлигини таъминлади. Ёшлар дафтаридаги бир нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшга ОТМ тўлов контрактни тўлаб берилди.

Келгусида "Рақамлаштириш орқали фаровонлик сари" дастури доирасида IT, SMM, инглиз тили, электрон тижорат ва маркетинг йўналишларида ёшларни бепул ўқитиш режалаштирилган. Суҳбат якунида

ёшлар етакчиси шундай фикр билдирди:

- Муваффақият босқичма-босқич келади. Ҳеч қачон тўхтаб қолмаслик керак. Ҳар бир ёш ўз йўлини топиши мумкин, фақат ҳаракат ва меҳнат зарур.

Дилнавоз Тўхтаева
"БҮО" муҳбири

Фолбинлар нега бойийди-ю, одамлар нега уларга ишонади? Инсоннинг энг ожиз томони – келажакни билиш истаги. Тақдирни эса пулга сотиб бўлмади.

Орангизда бир марта бўлса ҳам фол очтирмаган ёки фолбинга бормаган одам жуда кам. Одамларни ўзига оҳанрабодек тортувчи фолбинлар ҳаётига назар ташласак.

Кўча-кўйларда қўлига тасбеҳ тутиб, “кел, бир фол очиб кўяй...”-деяр ортингиздан эргашиб юрадиган лўли аёллар ҳали-ҳануз учрайди.

Уларни кўриб, бир-да, чеҳраминг очилиб, завқ олсак, бир-да, жаҳлланиб ҳам кўямиз. “Фолга ишонма, лекин, фолсиз ҳам қолма...”-деган гапга ишора қилиб, улар ҳақида ёзиш учун қизик маълумотлар тўплашга уриниб кўрдик. Одамлардан суриштира-суриштира “энг яхши фолбинлар”ни излашга тушдик.

Бухоронинг эски бозори (ҳозирги Марказий бозор)га туташ тор-тор кўчалар бўйлаб юрар эканмиз, бу манзилларнинг “жўғихона”, яъни “лўли маҳалла”, дея аташларига амин бўлдик.

- Сен ҳеч лўлига фол очтирмаганми? - сўрайман шеригимдан қизикиб.

- Ҳа. Ёшлигимда. Аммо, ҳозир биз нима мақсадда бораётганимизни сезиб қолиб, қувиб солишмасмикан? - дейди шеригим қулиб.

- Кел, яхшиси, ўзимизни таништирамиз ва гапнинг пўст калласини айтиб кўя қоламиз, - дейман.

Йўлбўйи юрар эканмиз, одамлар “жўғихона” деган манзилда бирмас, иккимас, бир нечта фолбинлар, ромчилар ва ҳатто, “иссиқ-совуқчи”лар борлигини ҳам айтишди.

Ўзи фолга ишонмайдиган Розия фолбин нима дейди?

“Розия фолбин бор, карта билан очади. Зулайҳо фолбин бор, алас қилиб кўяди, яъни олов билан даволайди. Замира бор, Бердигул амма бор...” - худди нафасиз айтиб беришди одамлар. Биз эса ўзимизни лўли кўчада эмас, фолбинлар ва ромчилар кўчасига тушиб қолгандек ҳис этдик. “Агар сизга янаям кучлиси керак бўлса, Пешкўга борасиз. Ўзбек. Барон домло бор, нафаси ўткир. Аммо, унинг навбатига икки-уч кунлаб кутиб турсиз. Худди шундай фолбин аёл Роми-тандаям бор”, -деб кўйишди одамлар. Бизни эса одамларнинг ҳали-ҳануз фолга ишонишлари ўйлантирарди.

Йўлнинг шундоқ муволишда жойлашган Розия фолбиннинг ҳовлисини кўрсатишди. Салобатли дарвоза. Катта ва шинам ҳовли. Ҳовли бошида кўйилган сўрида хушсуврат лўли аёл ўтирарди. Қошлари замонавий кўринишга келтирилган, кўзларига қалин сурма тортилган, лабига хийла буюқ сурилган, рўмолидан чиқиб турган зулфи юзига ҳам оро бериб турибди. Ясама узун тирноқли бармоқларида картани ўйнатиб, бизни худди эски қадронлардек қаршиляпти:

— Иби, бўйларингизга ўзим тасаддуқ, чиройли, ишингизни очайми, бахтингизни кўрайми? - деди.

— Биз фол очтиришга келмадик, опа. Журналистлармиз! Бир-икки саволларимиз бор... эди, - дедим “поп” этиб, шеригимнинг дуртиб-нуқишига қарамай.

Розия фолбин бу гапимизга осмондан тушгандек қарамади ҳам, ҳатто, черкани ёрмади ҳам. Чеҳрасини баттар ёриштириб қулди ва:

— Фақат расмеа олманг... аммо, саволларингиз қочиб кетмас, бери келинг, бир ром очай, иримига бўлса ҳам, бир келибсиз-да...

— Йўк, опа-а-а, деймиз.

— Э-э, келсангизлар-чи, от билан туя бўлармиди... аммо, сизлардан пул олмайман, ўтиринглари! - деди қулиб ва “ял-ял” очилиб.

Беихтиёр сўри бурчига ўтирдик. “Сиз жуда меҳрибонсиз, аммо, сизни одамлар тушунмайди. Сиз гоҳда ишончлисиз жудаям, гоҳда иккиланиб қоласиз...” - сўз бошлади Розия фолбин.



БУЖОРО БОЗОРИ КЎЧАЛАРИДА “КЕЛАЖАК САВДОСИ”

Биз эса мийғида қулиб турдик.

— Кўрдингизларми, биз, фолбинлар, шундай гаплар айтаемизки, улар, деярли, ҳаммага тўғри келади. Одамлар эса: “Мен ҳақимда айтаяпти”, -деб ўйлайди, - деди Розия фолбин ва бизнинг савол беришимизга ҳожат ҳам қолдирмай, ўзи сўзлай кетиб. Фақат ҳар икки сўзининг орасида “Суратга олманг!” -деб огоҳлантириб туришни ҳам унутмади. Ва яна сўзида давом этиб:

— Фолбинлар одамларнинг келажаги, тақдири, бахти ёки муаммолари ҳақида гўё, “олдиндан айтиб берувчи” одам. Турли усуллар билан башорат қилишга уринаемиз. Турли белгиларга таяниб, хулоса чиқарамиз. Масалан, кўл чизиклари, карта, тошлар, ойна ва эски “Фолнома” китобларидан фойдаланамиз. Мен эса амалда кўпроқ дарвозамдан ихлос билан кирганларнинг кайфияти ва муаммосини кузатаман. Умумий ва ҳаммага тўғри келадиган гаплардан фойдаланаман. Психологик таъсир орқали уларни гапларимга ишонтиришга ҳаракат қиламан. Мен гуноҳ қилмаяпман.

— Ўзингиз ҳақингизда икки оғиз...

— 1956 йилда туғилганман. Бир оиланинг бекаси, тўрт фарзанднинг онасиман. Ўттиз йилдан кўп вақт бўлдики, карта билан ром, яъни фол очиб, одамларнинг тақдири, келажаги ҳақида башорат қиламан. Ўйлаб қарасам, нега замонавий аёлман?! Чунки мен одамлар орасида кў-ўп айланиб юраман. Уларнинг ўзим ҳақимдаги фикрларини билиб оламан. Одамлар фолга қизиқшгандек, мен одамларнинг ўзим ҳақимдаги ишончларига қизиқаман. Шунга қараб, ишларимни режалаштираман. Ўйлаб қарасам, мен ҳам сизларга ўхшаб, бир кам журналистман (“қаҳ-қаҳ” отиб қулиб). Ман бу касбу-корга ўз-ўзидан келиб қолган эмасман. Бошида одамлар ўз

дардларини айтиб, маслаҳат сўраб келишарди. Қарасам, маслаҳат ва гапларимдан уларнинг кўнглилари ёришяпти. Ҳатто: “Сизда қанақадир сезиш бор”, -деб яна ва яна кела бошлашди... менга ишонишади. Ихлос - халос, дебдилар.

— Эшитишимизча, кўпгина фолбинлар шу касбу-корни эгаллашмаса, бирор бир шунга ўхшаш ноҳуш воқеаларга дуч келишганмиш?

— Ҳа, бу гапларни кўп эштаман. Лекин, ростини айтсам, менинг ишим шу каби бахтсизлик ёки қоронғу воқеаларни олиб келмайди. Мен фақат одамларнинг дардларини тинглайман, маслаҳат бераман ва уларга умид беришга ҳаракат қиламан. Шунга вазиятлар бўладики, одамлар ўз тақдирларига олдиндан кўрқув, хавотир билан қараб, шундай ҳодисаларни фол билан боғлашади. Лекин, ҳаёт ва инсон тақдири воқеалари Яратганнинг иродаси ва табиат қонуни билан боғлиқ. Биз, фолбинларнинг ишимиз одамларга фақат бироз ёрдам, тасалли ва йўл-йўриқ бериш. Уларнинг гапларига келсак, бундай гапларни тўқиб чиқаришади. Тўғриси, шахсан ўзим умуман, фолга ҳам, фолбинга ҳам ишонмайман.

— Қизик, унда қандай қилиб, бу касбу-корнинг этагидан тугиб юрибсиз?

— Менинг ҳузуримга кимдир қариндошини олиб келади, кимдир қўшнисини. Мен ўзимни катта каромат соҳибаси, деб айтмайман, лекин, одамнинг дардини тинглаш, унинг ҳолатини ҳис қилиш ҳам баъзан бир неъмат бўлади. Балки, шу сабаб одамлар ҳали ҳам келиб туришар.

— Даромадингиз қанча? Сир бўлмаса, албатта!

— Нолимайман. Бир фол очтириш 100 минг сўм. Агар “қайтарик” қилиш, қайсидир ёш оилани бир-бирига яна қайта боғлаш керак бўлса, 300-400 ва гоҳида 700 долларгача оламан.

— Одамлар шунча миқдорда пул беришадими? -ҳайратимиз охири сўраймиз.

— Нега беришмас экан? Одамлар чин кўнглидан ишонишса, бас! Беихтиёр қайсарлик ва манманликни йиғиштириб, ўша турмуши бузилаётган хонадонга ўз қизларини қайта ўз қўллари билан олиб боришади. Лозим бўлса, кечирим сўрашади. Кўрибсизки, ёш оила яна бирга ҳаёт кечиради. Аслида, шу ишларни фолбинсиз ҳам ўзлари қилишса, бўлади.

“Қайтармачи” Зулайҳо

Кейинги суҳбатдошимиз Зулайҳо фолбин бўлди. У ёш ва кўркам. Энг, қизиги, ўзини фолбин, деб билган бу аёл ҳам замонавийликда бошқа аёллардан қилишмайди. Ботекс лаб, кўйма қоқоқ, ясама қошу-киприк. Бешикдаги боласини аллалаб туриб, бир қўлида сигарета қистириб, ҳар-ҳар замонда “пуф-пуф”лаётган фолбин келинчақ ҳузурига ёши етмишдан ошган кампирлар ҳам келишган. Навбат турнақатор. “Қайтарма”чининг қўлидан эса телефони тушмайди.

— Алас, яъни бошдан олов айлантириш орқали даволайман. “Қон” қиламан. “Қайтарма” қилиб тураман. Лекин, “қайтарма”дан жуда кам фойдаланаман.

Зулайҳо фолбиннинг айтишича, “қайтарма” - фолбинлар тилида одамнинг ўзини ёки бошқаларнинг салбий таъсирдан ҳимоя қилиш ёки кўрқинчли ҳолатларни “ортага қайтариш” учун қилинадиган амал, дуо экан.

— “Қайтарма” - ёмон таъсирларни қайтаради. Сув ёки тузга ўқиб бериб, турмага тикиб бераман.

— Бу сизнинг-ча, ҳақиқатга яқинми?

— Одамлар ишонишади. Ихлос қилишади. Ихлоснинг ўзи етади.

— Одамларни ваҳимага соладиган дуою турморлар ҳақида нима дейсиз?

— Улар азалдан одамларни ба-ло-қазолардан, офатлардан асраб

келган. Оддийгина мисол: ёш болаларнинг қўлига кўзмунчоқ илиб қўймасангиз, бола кўзикиб, бетоб бўлиб қолади. Кўзмунчоқ ҳар қандай суқни қайтаради. Аммо, баъзида 15-17 ёшли қизлар ҳам, катта ёшдаги аёллар ҳам келишади. “Менда дуо бор экан”, деб. Буларда дуо нима қилсин? Пул ишлаш учун гапирерамиз.

— Ҳадисларда шундай дейилган: “Мен қиёмат кунни уч тоифа кишини ёқламайман, ана шу уч тоифадан бири фолбинлар ҳисобланишади...”

— Ҳа, ҳадисларда фолбинлик ҳақида қаттиқ огоҳлантиришлар борлигини биламан. Тўғри, мен ўзимни “келажакни аниқ айтиб берадиган одам”, деб даъво қилмайман. Аммо, одамларнинг ўзи кўпинча жуда қийин ҳолатда келади: оилавий муаммо, ишсизлик, умидсизлик. Мен шунчаки уларга йўл-йўриқ кўрсатаман. Одамларни ёмон фикрлардан қайтаришга ҳаракат қиламан, буни ўзимча ҳизмат, деб биламан. Қолгани - Худодан.

“Нафаси ўткир” Бердигул амма

Учинчи суҳбатдошимиз Бердигул амма бўлди. Ёши 80 ларга яқинлашиб қолган лўли кампир. Оддий хонадонда яшар экан. Унинг ҳузурига келган бир-икки одамлар билан суҳбатлашдик. “Фоли тўғри чиқади. Амаллариям яхши. Нафаси ўткир. Бошим оғриси кизи ёки бир дард билан келсам, енгил тортиб кетаман”, -дейди бири. Бошқа бир аёл: “Энди одамлар келиб туришади-ку, ихлос қилиб, даво топиб. Бир нимаси бордирки, биз ҳам, мана, келдик!”-дейди. Бизни дарвоза ташқарисидан кузатиб турган бир эркак эса баланд овозда: “Қанақа даво?! Э-э, лақма хотин, кўярда-қўймай, олиб келди мениям судраб. Бўл, тез!”- тажанг сўзлайди эри.

Бердигул амманинг “мижозлари” кетгач, эшикдан мўралаб, кекса онахон олдига кирдик. Бироз суҳбатлашдик.

— Қизим, мен “келажак”чи эмасман. Одамларнинг ҳолати, кайфияти ва ички қарашларини ўзларидан сўраб олиб, шу асосда маслаҳат бераман.

— Ҳозир анча кузатдик. Сиз одамлар билан бор-йўғи, 3-4 дақиқа суҳбатлашяпсиз. Сиз одамларнинг дардини қандай қилиб, бир дақиқада сезиб олишингиз мумкин?

Кекса онахон буни фақат кузатиш ва ҳис қилиш, одамларнинг қўллари, юзи, кўзи, оғиз ҳаракатлари, ҳатто, нафас олиши ҳам ўзи ҳақида маълумот бериб қўйишини очиклади.

— Демак, одамларни ишонтира оляпмиз. Одамлар шунчалар қизик-қонки, улар яшаши эмас, кўпроқ келажакларини билишни исташади. Тасалли излашади. Биз шунчаки уларнинг эҳтиёжини бироз қондира-миз, холос.

— Одамлар шунга ишониб, яхшигина пул ҳам сарфлашади. Аммо, билиб туриб, атайин шу йўл орқали пул топиш... сизга малол эмасми?

— Энди ота-боболардан қолган касбу-коримиз... биз ҳам ризқимизни териб юрибмиз-да...

Қизик томони шундаки, фолбинлар ўзларини одамларнинг келажагида рўй берадиган воқеаларни олдиндан айтиб бера оладигандек тутишади. Одамларнинг “фолбинлар”, “дуохон”у “иссиқ-совуқ”чилар, “ром”чилар, “қайтарик”чилар дарвоза олидида турнақатор тизилишиб туришганига нима дейсиз? Ҳатто, жуда ақлли, билимли одамлар ҳам баъзан фолбинларга ишониб қолади. Етмаганига, айрим турли давлат ташкилотларида нуфузли лавозимларда ишлаб келадиганларнинг ҳам “Фолбиннинг айтган гапи тўғри чиқди”, - деган хулосага келиши кишини ўйлантиради.

Ҳақиқат шундаки, келажак инсоннинг ўз ҳаракатлари, қарорлари ва тақдирида яшайди, фолбинда эмас.

Лайло Ҳайитова

ТЕМУР БОБОМГА МАКТУБ

Ассалом алайкум, Буюк Темур бобожон! Сизнинг доно сиёсатингиз, одамийлик билан йўғрилган улуг шахсиятингиз биз ёшлар учун бебаҳо ўрнатма ва шарафдир.

Мен сизга 2026 йилдан туриб мактуб ёзганман. Сиз қолдирган бебаҳо мерос бугун ҳам дарсликларда, олимларнинг илмий ишларида жонли нафас билан яшаб келмоқда. Бироқ, замонамиз ёшларининг баъзилари миллатни ислоҳ қилиш ўрнида “Жентра-2” легенда, деб жар солишмоқда. Сатурн билан Тайсоннинг жангини томоша қилишни афзал билмоқда. Мўмайгина даромад илнжида ҳарбий, муҳандис, ўқитувчи бўлишни эмас, вайнер, гемер ва блогерликни афзал билишмоқда. Тезда машҳур бўлиш, пул топиш хаёли сув ва ҳаводай зарур, гўё. Эртаси бор касбни эгаллаш йўлида ўрганиш, китоб ўқиш улар учун зерикарли. Ўрнига қисқа видеоларни кўриш қизиқарли ва мароқли.

Ғарб мафкураси остида улғаяётган ўсмирларнинг, айнан, телефонга мукка тушиб, соатлаб бир ерда ўтириши

ота-она ва фарзанд ўртасидаги муқаддас ришталарни аста-секин сўндириб юбораётгандек, назаримда. Мулоқотнинг камлиги, меҳмондорчиликка фақат тўй-ҳашамларда борилаётгани эса қариндошчилик ришталарига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Шундай бўлса-да, умид узилмаган. Чунки, сизнинг улуг номига юракка тугиб, Ватан байроғини баландга кўтараётганлар ҳам талайгина. Китоб ўқиб, ота-онасига машина совға қилаётганлар, илм излаб, дунё кезаётганлар бор. Аминманки, мен ва менинг тендошларим дунёни маърифат билан фатҳ этишда давом этамиз. Сиз орзу қилган адолатли, кучли жамиятни қуришда Сизнинг ҳаёт йўлингиз бизга доим ўрнатма бўлади.

Ҳурмат билан,
Хусан

КОРРУПЦИЯГА

ҚАРШИ КУРАШ – БАРЧАНИНГ БУРЧИ!

Коррупция жамиятимиз учун энг хавфли иллатлардан бири. Хўш, коррупция нимаси билан хавфли? У ҳар қандай жамиятни емирувчи, фуқароларнинг давлатга, қонунларга бўлган ишончини сусайтирувчи иллатдир.

Коррупция, аввало, ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида турли тўсиқ ва ғовларни юзага келтиради.

Шу боис, Президентимизнинг ташаббуси билан юртимизда коррупцияга қарши кескин кураш олиб борилмоқда.

Бу борада Бюро тизимида ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, соҳада аниқ механизм, иш самарадорлиги, меҳнат тақсмоти ва ундирилган маблағларнинг ҳаққонийлигини таъминловчи замонавий электрон дастурий тизимлар яратилди.

Вазирлик, идора ва муассасалар билан тезкор ахборот алмашинуви йўлга қўйилиб, ахборот тизими тўлиқ интеграция қилинди.

Соҳани рақамлаштириш орқали ижро иши юритувида инсон омилини камайтириш орқали коррупциявий ҳолатлар-

нинг олдини олишга ҳамда иш самарадорлигини оширишга эришилди.

Шунингдек, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Шахсий хавфсизлик бошқармаси ходимлари томонидан коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида доимий равишда профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.

Тадбирлар давомида юртимизда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган профилактик чора-тадбирлар, бу борада қабул қилинган қонун ҳужжатлари тўғрисида тушунчалар бериб, бу каби иллатга мурасасизлик муносабатда бўлиш, ота-онаси ва оиласи шаъни, ўз касбига ва ватанига содиқлик билан ҳалол хизмат қилиш лозимлиги, шунингдек, тизимда очиқлик, адолат ва ҳалоллик тамойилларини

мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилмоқда.

Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад жамоада соғлом муҳитни шакллантириш, ходимларни, айниқса, ёш ходимларни коррупциянинг хавфли оқибатларидан ҳабардор қилиш, уларнинг ҳуқуқий билимлари ва кўникмаларини мустаҳкамлаш ҳамда коррупция иллатига мурасасизлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдан иборат.

Мазкур тадбирлар давом этмоқда.

Дилшод Арипов,

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Шахсий хавфсизлик бошқармаси катта инспектори.

Суҳроб Муҳаметқулов,

Мажбурий ижро бюроси Бухоро вилояти бошқармаси Шахсий хавфсизлик шўъбаси катта инспектори.

Дийдор қўмсаб...

Қанийди, имконим бўлса гар ҳозир, Қушдайин учардим шамоллар мисол. Соғинчдан юрагим топсайди ҳузур, Дийдорлашмоқ насиб қиларми – савол?!

Яқинлар меҳрини қўмсайди бу дил, Соғинчнинг олови ичда ёнгайдир. Гўзал хотирадан сўзлар ожиз тил, Юракнинг тубида из қолдиргайдир.

Масофалар қанча бўлмасин олис, Дийдор қўмсаб, диллар топар бир-бирин. Қалбимдаги ният покиза, холис: Яқинлар дийдори ҳар недан устун.

Қайси манзилларда бўлсангизлар ҳам, Омон бўлингизлар, бахт-толега бой. Жигарим, жонимсиз, қалб кўрим, дея, Дийдорингиз қўмсаб битди Қувончой.

Қувончой Комилова,
БухДУ талабаси.

ОНАМНИ ЙИЛЛАБ КЎРМАГАНДЕК СОҒИНДИМ...

Кинотеатрдан фильм томоша қилиб чиқар эканман, эшик олдидаги узун навбатда 6 ёшли қизалоқ: “Энди онамни хафа қилмайман”, - деди болаларча беғуборлик ва ўйчанлик билан.

Менда ҳам худди шундай фикр пайдо бўлди, аммо, юрак ютиб, бу сўзларни тилимга чиқара олмайман. Сабабини аниқ билмайман. Балки, шу пайтгача билиб-билмай, онамга қилганларимдан уялганман ёки бундан кейин қўлимдан келмайдиганига ваъда беришдан кўрқаман. Хуллас, “Жаннат 2 - онамга мактуб” кўришга арзигулик, тасвир ва тасаввур имкониятидан тўлиқ фойдаланиш имконини берадиган фильм экан!

Аниқ айта оламаники, томоша қилиш жараёнида ҳамма фильм воқеалари бир чеккада қолиб, ўз ҳаётини, онаси – жаннатини ва у билан бўлган муносабатларини батафсил эслади. Кимдир секин кўз ёшини артди, кимнингдир ҳиққиллаган ҳасрати бирдан баландроқ овозда эшитилди...

Мен кабилар эса воқеалар ривожидан кўра, кўпроқ остига чизиладиган жумлаларни кўл телефонига қоралаб, ўн марта қайта-қайта ўқийди. Ёзганларимдан биринчиси шу бўлди: Яратган ота-оналарнинг дуоларини қабул қилади. Сен

эса шу дуога муносиб бўлишинг керак, дўстим! Тўғри, жаннатларимиз ҳеч қачон дуода ёмонлик тилашмайди, аммо, қалбдан ўтган ҳар бир кечинманинг жавоби бор. Кўп ҳолларда ўзимга нисбатан ишончсизлик қилиб, йўл ярмида иккиланган кўламан, имкониятим етмаслигини сезиб тураман. Шунда онамнинг сўзлари менга мадад беради:

- Қизим, мен ёнингданман. Ўқимаганман, сендай шаҳар ҳам кўрмаганман. Айтаётган имтиҳонларингни-ку, умуман, ташумайман, лекин, фақат дуо қила оламан, бор, тўхтама... - дейди.

Юрагим бир нафас тўхтади-ю, кейин мени ортага қайтариб бўлмайди... Эришган барча ютуқларимга ҳовлининг кўчасидан нарига ҳам чиқмаган онамнинг дуолари сабаб эканига ишонаман...

Баъзилар: “Сен тенгиларнинг иккита боласи бор”, “Инстаграмда камроқ кўрин, оила қилиб, келинлик хизматларингни бажаришинг керак”, - дейишади. Мен эса: “Дунёни кезиш орзуим бор, ҳалал берманг!” - дейман жиғибийрон бўлиб.

- Ҳали сени дунё кўради, қизим... - онамнинг сўзлари мени яна кўллайди.

- Кўрсин, онам, кўрсин!,- дейман онам юрагимда умид билан. - Сиз ҳам ўша кунни кўринг, ҳаммамиз бирга кўрайлик!

Кинотеатр залида туриб, шуларни хаёлимдан бир-бир ўтказар эканман, менинг ҳаётимдаги энг оғриқли сўзлар фильмдаги энг таъсирли саҳнада акс этди: “...аслида, биз эси пастмиз, мол-дунёнинг ортидан қувиб, ота-онамиз билан бирга ўтказиш керак бўлган дамларни ўтказиб юборамиз...”

Ҳафтада бир кун уйга - онамнинг олдида боришим-у, кунда бир марта телефон орқали ҳол-аҳвол сурашим менга доим кам туюлган. Фильм томошасидан кейин ўзимни янада ота-онам дийдорига ҳар галгидан кам тўяётгандек сездим. Худди бир неча йилдан бери улар билан кўришмагандек қаттиқ соғиниб кетдим...

Ҳеч иккиланмай, фильмни томоша қилишингизни таклиф қиламан. Ундаги ҳар бир жумла сизга кучли таъсир қилиши аниқ. Айниқса, “Сен ҳам онамнинг олдида бор, мен ҳам жаннатга-онамнинг олдида бораман...” - деган сўзлари юрагимни тамоман эзди. Ўша кунни душанба бўлишига қарамай, ҳамма нарсамни йиғиб, онамнинг олдида кетдим. Бориб, уни қаттиқ кўчдим. Ҳали тайёр бўлмасам-да, қалбимдан бир тилак ўтди: бир кунни жаннатга ҳам бирга бориш насиб қилсин, онажон, дедим...

Шаҳризода Ҳамроева,
БухДУ талабаси.

Маҳлиё

Йўлларимни ёритган зиё,
Менга сира боқмайсан қиё.
Табассуминг чиройинг очар
Ойдан гўзал қизсан, Маҳлиё.

Хаёлан сен билан қушдек учаман,
Қўлларингдан тугиб, гуллар тутаман.
Сўра, борим берай, етай висолга,
Сендан кечмайману, жондан кечаман.

Қўзларим йўлингда, ишқим кўнглимда,
Умримнинг баҳору қиши ўзинг-да.
Ҳилолим, дармоним, дардга давойим -
Келишинг, қолишинг сенинг сўзинг-да.

Миршодбек Ғаниев

СОҲИБҚИРОН-АМИР ТЕМУР:

адолат, қудрат ва ривоятлар қоришган буюк тарих

Тарих саҳифаларида шундай шахслар борки, улар ўз даврининг сиёсий харитасини ўзгартирган, асрлар оша халқ хотирасида афсона ва ҳақиқат чегарасида яшаб келмоқда. Шундай қиёфалардан бири Соҳибқирон Амир Темурдир. У ҳақидаги маълумотлар фақатгина йилномаларда эмас, балки, халқ оғзаки ижоди, ривоятлар ва афсоналарда ҳам мужассамлашган.

XIV асрнинг иккинчи ярми. Мовароуннаҳр сиёсий парокандалик, ички низолар ва ташқи босимлар остида эди. Ана шундай мураккаб даврда саҳнага ёш, аммо, иродаси темирдек мустаҳкам саркарда — Темур чиқади.

Тарихий манбаларга кўра, у аввалда Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) атрофидаги сиёсий курашларда иштирок этган. Кейинчалик эса Мовароуннаҳрни бирлаштириш йўлида ҳаракат бошлаган. Бу фақат ҳарбий юриш эмас, бутун бир давлатчилик тизимини қайта қуриш жараёни эди.

Адолат ва қатъият тамойили

Амир Темур ҳақидаги энг кўп тилга олинадиган жиҳат, бу - унинг адолатга бўлган қатъий муносабатидир. “Куч — адолатда” деган ғоя унинг бошқарув тамойили сифатида тарихга кирган.

Манбаларда келтирилишича, у, ҳатто, яқин амалдорлари хатога йўл

кўйса ҳам қонун олди-да баробар жавобгар бўлишини таъминлаган. Шу сабабли ҳам унинг саройи кўрқув, тартиб ва интизом маркази сифатида тасвирланади.

Ривоят: Темур ва камбағал чопар

Халқ орасида тарқалган бир ривоятга кўра, бир куни оддий чопар саройга кечикиб етиб келади. Ҳамма уни жазоланади, деб ўйлайди. Аммо, Темур уни тинглаб, йўлда душман ҳужумига учраганини ва хабарни сақлаб қолиш учун жонини хавфга қўйганини билиб, уни мукофотлайди.

Бу ривоят тарихий ҳақиқатдан кўра, кўпроқ Темур шахсиятидаги адолат ва жасорат тимсолини акс эттиради.

Амир Темур фақат саркарда



эмас, буюк давлат қурувчиси ҳам бўлган. У Самарқандни салтанат пойтахтига айлантириб, уни дунё марказларидан бирига айлантиришни мақсад қилган.

Шаҳарга олиб келинган меъморлар, хунармандлар ва олимлар орқали Самарқанд ўша даврда ҳам бугунгидек сиёсий, илмий ва маданий марказ сифатида ҳам юксалган. Регистон, Бибиҳоним масжиди ва Гўри Амир мақбараси каби обидалар ўша давр руҳининг жонли гувоҳидир.



Ривоят: Темур ва тошюрак меъмор

Афсоналардан бирида айтилишича, бир меъмор катта бино қурилишида хато қилади. У қаттиқ кўрқувга тушади. Чунки Темурнинг жазоси қаттиқлиги билан танилган эди. Лекин, саркарда уни ўлимга ҳукм қилмайди, балки, қайтадан ўша хатони тузатиш имконини беради.

Ривоятда бу ҳолат Темурнинг яратувчан инсон эканини кўрсатади.

Тарихий манбаларга кўра, Амир Темур Мовароуннаҳрдан ташқари, Эрон, Кавказ, Ҳиндистон ва Кичик Осиёгача бўлган кенг ҳудудларда юришлар қилган. Бу юришлар натижасида улкан салтанат вужудга келган.

Аммо, унинг мақсади фақат босқинчилик эмас, кучли марказлашган давлат барпо этиш эди. Шу сабабли унинг салтанати тезкор қарорлар, кучли ҳарбий тизим ва қаттиқ интизомга асосланган.



Темур ва унинг тушидаги олов

Яна бир машҳур ривоятга кўра, ёш Темур тушида катта оловни

кўради. Олов бутун дунёни ёритиб турар, аммо, уни ёндирмас эди. У буни буюк тақдир белгиси, деб қабул қилади.

Тарихий манбаларда бу каби воқеалар афсона даражасида бўлса-да, халқ тасаввурида Темурни “тақдир танлаган инсон” сифатида кўрсатади.

Амир Темур шахсияти ҳанузгача тарихчилар ўртасида турли баҳсларга сабаб бўлиб келади. Бир томон уни буюк давлат арбоби ва стратег сифатида кўрса, бошқа томон унинг юришларидаги вайронларни таъкидлайди.

Бироқ, бир ҳақиқат аниқ: у Евро Осиё сиёсий харитасини ўзгартирган, янги геосиёсий реаллик яратган шахс сифатида тарихда қолган.

Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги ҳақиқат ва ривоятлар бир-бирига чамбарчас боғланган. У ҳақида ёзилган ҳар бир тарихий манбаа ортида халқнинг тасаввури, ҳар бир ривоят ортида эса тарихий илдииз мавжуд.

Унинг номи асрлар ўтса ҳам, ҳали ҳам куч, адолат ва буюк давлатчилик ғояси билан ёнма-ён тилга олинади.



“ВУ”

Видеолавҳани QR орқали кўринг.

ИНСОН ҚАДРИ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ БОШ МЕЗОН

Бугун биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилаш ва халқимизни юксалиш сари етаклаётган муҳим ислохотлар даврида яшаймиз. Ушбу жараёнда “Инсон қадри учун” тамойили бош ғояга айланиб, 2022–2026 йилларга мўлжалланган “Тараққиёт стратегияси” халқимиз фаровонлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур стратегиянинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда инсон қадрини юксалтириш вазифаси энг қўйи бўгин — маҳаллалардан бошланиши белгилаб қўйилган. Бу эса давлат органларининг мурожаатлар билан ишлашдаги масъулиятини ошириб, масалаларни бевосита жойида, рақамли назорат остида тезкор ҳал этиш имконини бермоқда.

Айниқса, стратегиянинг иккинчи устувор йўналиши доирасида мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича муҳим қадамлар ташланди. Жумладан, мулк ҳуқуқи дахлсизлигини ҳимоя қилишда давлат органи қарори

ноқонуний эмаслигини судда исботлаш мажбурияти мансабдор шахснинг ўзига юкланиши, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилди.

Шунингдек, жинойат қонунчилигини либераллаштириш ва жазони ўтаб бўлган шахсларни жамиятга реинтеграция қилиш мақсадида “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети” тизимининг йўлга қўйилиши уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашмоқда.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро стандартларига мувофиқ, миллий превентив механизмларини такомиллаштириш, қийноқ ҳолатларининг олдини олиш ва жабрланганларга компенсация тўлаш тартибини ишлаб чиқиш борасида ҳам жадал ишлар олиб борилмоқда. Йўл инфратузилмасини рақамлаштириш орқали ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш ҳам стратегиянинг устувор вазифаларидан биридир. Хуллас, ушбу ислохотларнинг изчил амалга оширилиши Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини мустаҳкамлаш билан бирга, юртимизда адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Муниса Махсудова,
Адиша Раҳматова,
Бухоро туманлараро
Иқтисодий суди судьялари.



MUASSIS :
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGINING BUXORO
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI
BOSHQARMASI

Bosh muharrir :
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

BOSH HAMKOR:

O‘zbekiston yoshlar ittifoqi
Buxoro viloyati Kengashi

TAHRIR HAY‘ATI:

Shavkat Rahmonov
Mirali Hamroyev
Obidjon Hamidov
Shuhrat Jumayev
Jamol Nosirov
Dilshod Yo‘ldoshev
Mirshod Ochilov

TAHRIRIYAT MANZILI:

Buxoro shahri, Alisher Navoiy
ko‘chasi, 20-uy.

TAHRIRIYAT HISOB-RAQAMI:

20210000404114165001 “Agrobank”
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:
87100, STIR: 203590296
Nashr ko‘rsatkichi: 3051

ISSN 2181-6557



**SAHIFALOVCHI -
DIZAYNER:**
Xurshid Abdullayev

Gazetaning ushbu
7-soni elektron usulda
tayyorlandi va tarqatildi.

Navbatchi muharrirlar:
Zulfizar Mavlonova
Dilnavoz To‘xtayeva
Tasvirchi: Husan Hakimov

www.buxoro-yoshlari.uz сайти орқали биз билан бирга бўлинг.